

туда автоколебаний I возрастает от 0,5 мкА до 7,7 мкА, т.е. увеличивается в 15÷20 раз. Эти результаты исследования показывают высокую чувствительность амплитуды автоколебаний тока к изменению величины одноосного упругого сжатия по сравнению с обычной тензочувствительностью образцов кремния легированного примесными атомами марганца ($\text{Si} < \text{B}, \text{Mn} >$). Поэтому из полученных результатов были вычислены коэффициенты тензочувствительности по амплитуде, что составило порядка $S_f \approx 4600$ и по частоте порядка $S_f \approx 400$. Барические коэффициенты изменения амплитуды и частоты автоколебаний тока от величины одноос-

ного упругого сжатия соответственно равны по амплитуде $k = 3,5 \cdot 10^{-8}$ мкА/Па и частоты $k = 3,2 \cdot 10^{-5}$ Гц/Па.

Заключение. Таким образом, в образцах компенсированного кремния легированного примесными атомами марганца при определенных условиях возбуждения рекомбинационных волн можно увеличить при комнатной температуре $T = 300$ К тензочувствительность кремния по амплитуде до 20 и частоте до 2 раз. При этом тензочувствительность разработанных тензодатчиков на основе образцов кремния легированного примесными атомами марганца имеет амплитудно-частотный выход.

Литература

1. Zikrillayev N.F., Ayupov K.S., Shoabdurakhimova M.M., Urakova F.E., Abduganiev Y.A., Sattorov A.A., Karieva L.S. Effect of compensation degree and concentration of impurity electroactive selenium atoms on current auto-oscillation parameters in silicon. East European Journal of Physics. 2023.
 2. Bakhadyrkhanov M.K., Azimkhuzhaev Kh., Zikrillayev N.F., Sabdullaev A.B., and Arzikulov É. Semiconductors, 34(2), 171 2000. <https://doi.org/10.1134/1.1187929>
 3. Балкарей Ю.И., Голик Л.Л., Елинсон М.И. Автоволновые среды. Использование в электронике. // "Радиоэлектроника и связь". 1983. Знание. -С. 64.
 4. Минин И.В., Минин О.В. Генератор электромагнитных колебаний. RU 2747116 С1. 2021.
 5. Бахадирханов М.К., Турсунов А.А., Зикриллаев Н.Ф., Аскаров Ш.И., Бугаева А.Ф. Твердотельный генератор инфранизких частот. Авторское свидетельство № 1342347. 1,06, 1987.
 6. Бондарь В.М., Сидоренко Э.А., Яковлев В.А. Термометр на основе осциллирующего эффекта. // ПТЭ. 1982. В. 2. -С. 229-230.
 7. Мелких А.В., Рыбаков Ф.Н., Повзнер А.А. Распределенная модель организации автоколебаний в полупроводнике вызванных Джоулевым саморазогревом. // Письма в ЖТФ. 2005 г. Т. 31. В. 16. -С. 67.
 8. Коломоец В.В., Сусь В.А. Установка для исследования электрофизических свойств полупроводниковых материалов в условиях низкотемпературной пластической деформации. // Приборы и техника эксперимента. 1975. № 4. -С. 214-215.
 9. Александрова Г.А., Завадский Ю.И., Корнилов Б.В. Неустойчивости тока в эпитаксиальных слоях GaAs, компенсированных несколькими примесями с глубокими уровнями энергии. // Физика и техника полупроводников. 1975. Т. 9. В. 4. -С. 747.
 10. Holonyak N., Bevacqua S.F. Oscillation in semiconductors due to deep levels. Applied Physics Letters, 1963, Volume 2, № 4, -P. 71-73. <https://doi.org/10.1063/1.1753780>
 11. Юнусов М.С., Ахмадалиев А., Оксенгендлер Б.Л., Бегматов К.А. О некоторых закономерностях электронного спектра примесных центров d-элементов в кремнии. // ФТП. 1995 г. Т. 29. В. 4. -С. 714-717.
- РЕЗЮМЕ.** Тажрибалар учун марганец киришма атомлари диффузия усули билан киритилган р-тур ўтказувчанликдаги $<111>$ ва $<110>$ кристаллографик ўқ асосида ўстирилган кремний намуналари танлаб олинди. Тажриба натижаларининг тахлили асосида бир ўқли босим рекомбинацион тўлқинларнинг амплитудаси ва частотасига кучли таъсир қилиши аниқланди. Бир ўқли босим таъсирида автотебраниш параметрларини ўзгаришини тушунтириш ва физик механизмини яратишда компенсацияланган кремнийдаги марганец киришма атомларининг заряд ҳолатига боғлиқ бир жинсли бўлмаган яримўтказгич материалларнинг сатҳлар диаграммасидан фойдаланилди.
- РЕЗЮМЕ.** Для исследования были полученные образцы кремния диффузионно легированные примесными атомами марганца с кристаллической ориентацией $<111>$ и $<110>$ с различным удельным сопротивлением р-типа проводимости. Из анализа результатов исследований установлено, что одноосное упругое сжатие сильно изменяет амплитуду и частоту рекомбинационных волн. Физический механизм изменения параметров автоколебаний тока объясняется моделью зонной диаграммы неоднородного полупроводника материала, которые образуются за счет зарядового состояния примесных атомов марганца в компенсированном кремнии.
- SUMMARY.** For the study, silicon samples were obtained, diffusion doped with impurity manganese atoms with crystal orientation $<111>$ and $<110>$ with different resistivity of p-type conductivity. From an analysis of the research results, it was established that uniaxial elastic compression greatly changes the amplitude and frequency of recombination waves. The physical mechanism for changing the parameters of self-oscillations of current is explained by the model of the band diagram of an inhomogeneous semiconductor material, which is formed due to the charge state of impurity manganese atoms in compensated silicon.

Biologiya. Zoologiya. Ekologiya

УДК 574 (575, 172)

ЭКОЛОГИК ТАРҒИБОТ ВА АТРОФ-МУХИТ МУҲОФАЗАСИ

Қ.Қ.Байжанов – мустақил изланувчи

Я.И.Аметов – биология фанлари доктори, профессор

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Н.Қ.Байжанова - Ўзбекистон экологик партияси аъзоси

Таянч сўзлар: экологик тарғибот, Орол денгизи, Оролбўйи, «Қизил китоб», Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Биологик хилма-хиллик.

Ключевые слова: экологическое образование, Аральское море, Приаралье, «Красная книга», Организация Объединенных Наций (ООН), Биоразнообразие.

Key words: environmental promotion, Aral Sea, Aral Bay, "Red Book", United Nations (UN), Biodiversity.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, Орол фожиаси салбий оқибатларини камайтириш, минтақада экологик хавфсизликни таъминлаш учун устувор вазифалар белгиланган. 2030-йилгача бўлган даврда Ўзбекистон

Республикасининг «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси» қабул қилинди ва концепция доирасида тизимли равишда «Йўл хариталари» ва давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, экологик муаммолар халқаро даражада илк маротаба 1972 йилда Стокгольмда ўтказилган БМТ

конференциясида муҳокама қилинган ва ўнда инсон фаровон ва юкори кадр-қимматга эга ҳаётни тақоза этадиган муҳитда яшаши лозим, -деган ғоя илгари сурилган. Зеро, сўнгги даврда бутун дунёда ишлаб чиқариш кучларининг тез ривожланиши ва улардан табиатни ўзлаштиришда назоратсиз фойдаланиш туфайли экологик мувозонатларнинг бўзилиши кўпчилик ҳудудларда экологик фожиаларнинг содир бўлишига сабабчи бўлди.

Дунё олимларининг эътироф этишича, Ер юзида содир бўлаётган табиий жараёнларнинг 9/10 қисмида инсон фаолиятининг махсули акс этмоқда ва бунинг сабабидан айрим тур ҳайвонларнинг яшаши ёмонлашиб қолмасдан балки, ердаги ҳаёт ҳам хавф остида қола бошлади. Ўзбекистонда экологик инқирознинг оқибати сифатида Орол денгизи ва унинг атрофидаги ҳалот мисол бўла олади. Орол денгизи 40-50 йил ичида энг шўр, ифлосланган, халқ хўжалик аҳамиятини йўқоткан ўртача қўллар тоифасига кириб қолди ва биологик жиҳатдан «ўлган денгиз» га айланди. Бунинг асосий сабабларидан бири Амударё ва Сирдарё сувидан ноўрин фойдаланишдир [7].

Инсониятнинг келажак таракқиётини таъминлаш учун, аввало, табиатнинг ҳар бир неъматини эъзозлаш, ер, сув, ҳаво, тупроқ ва бошқа табиий ресурслардан тежаб фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун ҳар бир инсон қалбига она табиатга юксак меҳр-муҳаббат туйғуси шаклланиши лозим. Шу боис, экология билан боғлиқ лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда экологик тарғибот ишларининг аҳамияти бекиёс.

Табиатни муҳофаза қилиш фақат ҳозирги куннинг муҳим вазифаси бўлмасдан, балки авлодлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бундан кўриниб турибдики, экологик муаммоларни ҳал этиш учун экологик таълим ва тарбиясини ҳозирги кун талаби асосида олиб бориш зарурати пайдо бўлмоқда. Шунингдек, экологик тарғиботни юргизишда тизимлилик қондаси барча бўғинлар-оила, боғча, мактаб, ўрта махсус ва олий таълим ўқув юртлари, Ўзбекистон экологик партияси Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, маҳалла фаоллари ҳамда кенг жамоатчиликнинг ҳамжиҳатлик билан ва бамаслаҳат иш кўришни назарда тутати. Шунинг учун ҳам ёшларнинг ривожланиши даражасига монанд уларга мазмуни ҳам узғариб боради ҳамда белгиланган вазифаларни бажаришда ўқитувчи ва тарбиячиларга янада маъсулият юклайди. Шу билан бирга аҳолининг экологик билим ҳам кўникмаларини ошириш имконияти яратилади.

Бу тизимнинг илк босқичи саналган оила мактабгача таълим муассасалари соғлом ва ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш ҳамда мактаб таълимига тайёрлашдан иборат. Дарҳақиқат, «бола бошидан-деб» бежиз айтилмаганлар. Чунки, инсон ва табиат туғрисидаги дастлабки тучунчалар боғчадан бошланади. Бу ерда болалар биринчи марта она табиат ҳақида айрим билимлар олишга мувофиқ бўладилар. Бунда кичкинтойлар учун мўлжалланган ўқув материаллари ўйин шаклида тузилгани мақул бўлади. Зеро, болалар ўйин пайтида оддий дарсларга қараганда кўпроқ маълумотга эга бўлишади. Фарзандларимизга боғча ёшидан атрофимиздаги «яшил олам» (ўрмон, ўсимликлар, гуллар) қушлар ҳамда ҳайвонлар, масалан: ит, мушук, балиқ, товуқ, қаптар, тотиқуш, қуён ва ҳақозалар ҳақида айтиб бериш, шунингдек, уларнинг тегишли расмларини ҳамда мультимедияларни кўрсатиш орқали болаларда табиатга нисбатан дастлабки севгилар пайдо бўлишида замин яратган ҳам бўламыз.

Экологик тарғибот ишлари жараёнида энг аввало, улғайиб келаётган ёшлар ўртасидаги тадбирларга алоҳида урғу берилипти. Натижада, мактабларнинг бошланғич таълим (I-IV) босқичида фарзандларимизга атроф-муҳитдаги яшил оламини ардоқлашга ўргатсак

кейинчалик табиий бойлигимиздан оқилана фойдаланишга асос яратилади.

Жумладан, дарё, қўл, денгиз тушунчаси ва уларнинг номлари ҳамда харита, фотосуратлари ёрдамида батафсил таърифлаш, тадбиқ қилиш ҳам катта рол ўйнайди.

Шу билан бирга, ёш авлод вакиллари, қолдирғочнинг инсонларни жовуз кўчлардан муҳофаза қилишдаги афсонавий воқеани айтиб бериш, уларнинг қалбига, онгига табиатга нисбатан қизиқиш ва меҳр ўйғотиш орқали табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларни тўғри онглаш учун муҳим қадам бўлади. Экологик таълимни такомиллаштириш мақсадида жорий этилган Финляндиянинг ижобий тажрибаси умумий ўрта таълимнинг (V-XI) синф ёшларида табиатни севишга, ундан тўғри ва онгли равишда фойдалана билиш ҳамда инсон хўжалик фаолиятининг табиатга таъсири оқибатларини ифода этар экан, у шубҳасиз ўқувчиларда ташқи муҳитни эҳтиёткорлик билан муҳофаза қилувчилар этиб тарбиялашга ёрдам беради.

Мактабларнинг юкори синфларида 1-апрель «Халқаро қушлар куни» ва 12-майда эса «қўшиб ўтувчи қушлар куни» сифатида нишонланиши ва ўқувчиларга: қарға, чумчуқ ва булбул, укки, бойқуш, мусича ҳамда ўрдақ, ғоз ва турна фламинго лайлак каби «қанотли дўстларимиз» шунингдек, байрамнинг асосий мақсади ҳақида сўзлаб бериш билан бирга, ёввойи қушларнинг турини ва сонини сақлаш жумладан, қушларни муҳофаза қилиш учун энг аввало, уларни безовта қилмаслик, улдирмаслик, уясини бузмаслик ва тукумига тегмаслик ҳақида тушунтириш ҳамда ўқувчиларни улкашунослик музейларида саёҳат қилиш билан мактаб ёшларида табиатга нисбатан меҳрни ўйғотиш асосларини яратамиз.

Академик лицей, техникум ва ўрта махсус касб-хунаар таълимнинг давлат стандартларида битирувчи ёшларга экологик тарбияга эғалик, касбий фаолиятида экологик маъсулиятни ҳис қилиш, табиат муҳофазаси соҳасидаги билимларга эга бўлишига ёрдам беради. Ўқувчи талабаларни давлат ижроси муассасаларини табиат муҳофазаси муаммосига жалб этишда, ер юзида йўқолиб бораётган ноёб ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақида маълумот берувчи «Виждон хужжати» [4] деб ҳам аталувчи биринчи бор 1963 йилда чоп этилган икки томдан иборат Табиатни муҳофаза қилиш Халқаро Иттифоқининг «Қизил китоби» [3] ва 1966 йили нашр қилинган стол устида фойдаланиладиган календарь сифатида турли рангларга эга бўлган варақлардан иборат Халқаро «Қизил китоби» [6] ҳамда 1978 йилда собиқ СССР «Қизил китоби» нинг биринчи нашри ва Ўзбекистон Республикасининг 1984-1985 йилларда босилиб чиққан биринчи «Қизил китоби» ҳамда 2003 ва 2007 йиллардаги кейинги нашри [3] ва ушбу Ўзбекистон «Қизил китоб» ларига киритилган 163 тур ўсимлик, 22 турдаги сут эмизувчилар, 33 тур қушлар, 5 тур судралиб юрувчилар, 5 тур балиқлар ҳақида таништириш ва уларнинг фотосуратларини, мусинларини (муляжларини) ҳамда ўсимлик гербарияларини кўрсатиш ёшларда табиатга меҳрибонлик каби ҳусусиятларини ўйғотишда катта аҳамият касб этади.

Айниқса, келажакимиз эгалари бўлган ёш авлодни маънавий онгли, маданиятли шахс сифатида шакллантириш ва уларнинг қалбига, онгига, ақлузаковатига экологик таълим ва тарбиянинг асл маъносини сингдириш учун ўқувчиларни улкамиздаги илгари «Бадой туқай» ҳозирда «Қўйи Амударё биосфера резервати» нинг кўриқхонасига экскурсия ташкил этиш ва у ердаги сақланаётган йўқолиш хавфи остидаги «Кийик» ларни кўрсатиш, шунингдек, кейинги пайтларда тўқайларнинг кескин камаё бориши туфайли йўқолиб бораётган қушлардан «Қирғовул» ҳақида айтиб бериш орқали ёшларда табиатни асраш ҳамда ёввойи ҳайвонларга нисбатан онгли муносабатда бўлиш туйғуларини ҳосил бўлиш учун шароит яратилади.

Олий ўқув юртлари таълим жараёнида талабаларда экологик билим, кўникма ва малакалар тизimini янада такомиллаштириш экологик онгни шакллантириш ва ўни тарғибот этиш зарурлигини тақоза этмоқда. Шу орқали келажак авлодга табиат бойликларидан оқилана фойдаланиб, уларни муҳофаза қиладиган муаммалар инсон шахсни тарбиялашдан иборатдир. Шу билан бирга, у талабаларни мактабларда экология асослари ва табиат муҳофазаси таълимини ўқитишга таёрлашни ҳам назарда тутди. Булардан ташқари биология ва агрономия факультетларининг «Тупрокшунослик» йўналиши талабаларига 22 апрель – «Бутунжаҳон ер куни» га бағишланиб «Ер-туғалмас ғазина» атамасида ўтказилган кечаларда Республикамиздаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳалотининг оғирлиги ҳосилдорликнинг пасайиб бораётганлиги ва тупрок омилларининг ўзаро табиий боғлиқлиги бўзилишига олиб келадиган сабабларини тушунтириш, шу билан бирга, ердан фойдаланиш жараёнида тупрокнинг агрономик, физик ва кимёвий хусусиятларига эътибор қаратиш айниқса ерларнинг мелиоратив ҳалотини тубдан яхшилаш учун кўпроқ маҳаллий ўқитлардан фойдаланиш ҳамда алмашлаб экишни белгиланган нисбатда тўла тадбиқ қилишда бир қатар мисолларни келтириш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, биология йўналишидаги гуруҳларда 22-май «Халқаро биохилмаҳиллик куни» муносабати билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бошчилигида 1992 йили Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) 167 давлат иштирокида қабул этилган Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Халқаро Конвенция ва мамлакатимизда биохилма-хилликни асрашга хизмат қиладиган «2019-2028 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси стратегияси» ҳамда шу асосида 27 000 дан ортиқ турни ўз ичига оладиган юртимиз экотизимларининг биохилма-хиллиги, шундан 14 000 турдан кўпроғи ҳайвонлар, 11 000 турдан кўпроғи ўсимликлар, қолгани замбуруғлар ва сувўтларидир [3]. Ҳайвонлар орасида асосий ўринни бўғимоёқлилар (11300 тур), ундан кейинги ўринларни юқори ўсимликлар, сувўтлари, замбуруғлар ва бактериялар эгаллайди.

Адабиётлар

1. Байжанов Қ.Қ., Байжанова Н.Қ., Самарканд Саммити ва Хавфсизлик Масалалари // Жанубий Оролбўйи табиий ресурсларидан оқилана фойдаланиш Х-Республика илмий-амалий конференцияси материаллари 2022 йил 22-23 ноябрь. Нукус. Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат университети 180-182 б.
2. Ислам Хушвақтов Ҳукумат атроф-муҳит муҳофазасини таъминлайди. // Янги Ўзбекистон / 2022, 14-октябрь 211-сон, 4-б.
3. Лим В., Салимов Х., Биологик хилма-хиллик ва уни сақлаш муаммолари. // *Ekologiya xabarnomasi* / 2010, №12 (117), 22-23 б.
4. Наталья Шивалдова «Қизил китоб» бўйича муассисалараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси // *Ekologiya xabarnomasi* / 2010 й., №11 (116), 3-4 б.
5. Охунов Н., Экология ва табиатни муҳофаза қилиш дарсларида жой номларидан фойдаланиш // Аҳолининг экологик узлуксиз таълим ва тарбияси муаммолари / мавзусидаги I-Республика илмий-услубий кенгашининг тезис ва маърузалар тўплами, Тошкент-1993. 1993й. 2-том.
6. Тухтаев А.С. Экология. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1998, 166-167-б.
7. Эгамбердиев Р., Дўсимов З., Камалова Г., Ижтимоий фанлар ва экологик билимни шакллантириш муаммолари. / Урганч давлат университети / 2003 й., 10-11-б.

РЕЗЮМЕ. Марказий Осиё минтақасида кишлоқ хужалигини экстенсив ривожлантириш ер ва сувдан тартибсиз фойдаланиш натижасида Орол денгизи қурий бошлади. Худудда ерларнинг экологик тизими ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси чуқир инкирозга учиради. Экологик ҳолатининг салбий узғаришга худудларнинг метеорологик шароитлари ҳам таъсир қилмоқда. Бундай кунгилсиз ҳолатнинг вужудга келишига асосий сабаб, қурилиш, буз ерларнинг узлаштирилиши мутахассис ва хатто раҳбар ходимларда экологик билим ва қуникмаларнинг етишмаслиги ҳисобланади. Шу бойс аҳолининг кенг қатламида экологик таълим ва тарбияни юксалтириш бугунинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Экологик тарғиботни юргизишда муаллифлар тизимли ёндашув асосида иш қилишни назарда тутди.

РЕЗЮМЕ. В последующие периоды, особенно с 50-х годов XX века, беспредельное использование оросительной воды в Центральной Азии, привело к сокращению поступления воды в дельту, что стало причиной снижения уровня Аральского моря и возникновение экологические проблемы в регионе Приаралья. Негативное изменение климата повлияло на метеорологические условия региона, в результате чего экологическая система в целом растительный и животный мир подвергались серьезному испытанию. Основной причиной возникновения подобных ситуаций является недостаточность и даже отсутствие экологических знаний у специалистов сельского и водного хозяйства. Поэтому важной задачей на сегодня считается совершенствование экологические обучение всех слоев населения. При этом авторы, предлагают поэтапное экологическое образование.

SUMMARY. As a result of extensive development of agriculture in the Central Asian region, uncontrolled use of land and water, the Aral Sea began to dry up. The ecological system of the land, animal and plant life in the area has been seriously challenged. The meteorological conditions of the regions also affect the negative change of the ecological climate. The main reason for the emergence of such unfortunate situations is the lack of environmental knowledge and skills among construction, ice-breaking experts and even management staff. Therefore, raising environmental education and upbringing among the general population is considered an important task today. Conducting ecological promotion authors work on a systematic approach construction is taken into account.

Ўзбекистон фаунасида умуртқали ҳайвонлардан 83 турдаги балиқлар, 3 тур амфибиялар, 38 тур судралиб юрувчилар (ш.ж. эндемиклар 30 тур), 460 тур қушлар (ш.ж. эндемиклар 8 тур) ва 97 турдаги сўт эмизувчилар (ш.ж. эндемиклар 15 тур) қайд этилган.

Булардан ташқари «Махсус» экология йўналишидаги бўлимида 5 июнь «Бутун жаҳон табиат муҳофазаси куни»га бағишланиб «Орол, кеча, бугун ва эртага» мавзусида Ўзбекистон экологик партияси билан биргаликда «Табиат учун бирлашайлик» шъери остида илмий анжуманлар ҳамда телекурсатув ва прессклублар ташкил этиш ва унга талабаларнинг ўз баёнотлари билан иштирокини таъминлаш билан бирга Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо 159 давлатда ташкил этилган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентликларида Жанубий Урал, Кузбасс, Донбасс, Семипалатинск ва Чернобыль каби экологик жихатдан оғир худудлар руйхатида Орол денгизининг киргизилганлигини, шу бойс бир неча йил аввал давлатимиз раҳбари ташаббуси билан БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун кўп шериклик асосидаги Траст фонди ва Президент ҳузурида ташкил этилган Оролбўйи халқаро инновацион марказида Орол фожиасидан азият чеккан худуд аҳолиси ҳаётини яхшилаш, денгиз қуришининг салбий оқибатларини камайтириш, минтақанинг экологик хавфсизлигини таъминлаш мақсадида «Яшил Орол денгизи» дастури доирасида 742 минг гектар ерда яшил қапламали ўрмонзор, Нукус, Урганч ва Хива шаҳарлари атрофида «Яшил белбоғ» лар барпо этилганини айтиш ўринли ҳисобланади [2]. Шунингдек, Орол денгизи суви чекинган қарийб 1 миллион 800 минг гектарга яқин майдонда экилган чўлга ва шўрга чидамли ўсимликлардан оксаксауъл, қорасаксауъл, қандим, юлғун ва қорабўроқ каби ўсимликлар ҳақида айтиб бериш ҳамда уларнинг тегишли расмларини ва гербарияларини кўрсатиш ва ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши бизни ўраб турган табиий муҳитни муҳофаза қилишга, аҳолининг қулай атроф муҳитга эга бўлишига, умуман алганда, ҳозирги ва келажак авлод учун она табиатни асрашга хизмат қилади, -дея ҳулоса қилсак бўлади.